

ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ ҚУРАШИШНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Каримов Абдумалик Абдумутал ўғли

Мустақил тадқиқотчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18017998>

Анотация. Мазкур мақолада экстремизмга қарши курашининг ҳуқуқий асослари қайд этилган.

Калит сўзлар: терроризм, экстремизм, жамият, хавфсизлик.

Аннотация. В статье рассматривается законодательная основа по борьбе с экстремизмом.

Ключевые слова: терроризм, экстремизм, общество, безопасность.

Бугунги кунда экстремизм алоҳида мамлакатларнинг миллий хавфсизлиги ва умуман жаҳон ҳамжамиятига жиддий таҳдид уйғотаётган омилга айланди. Умумбашарий муаммога айланган экстремизм ва терроризмни жаҳон ҳамжамияти фақат биргаликда, турли тор геосиёсий манфаатлардан воз кечган ҳолда ҳаракат қилибгина енга олиши мумкинлиги аксарият давлатлар томонидан тан олинган ҳақиқатдир.

Экстремизм иллатининг сўнгги пайтларда тобора кучайиб бораётгани мазкур муаммонинг нақадар долзарб эканини кўрсатади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам бу масала юзасидан: “*Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса, ўз навбатида, терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда.*

Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда”¹ деб сўзлаганлар.

Таъкидлаш жоизки, турли экстремистик ва террористик ташкилотлар Марказий Осиё давлатларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган фаолиятини давом эттирмоқда. Шу нуқтаи-назардан, Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев жаҳон ҳамжамияти эътиборини Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, терроризм ва экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига қарши самарали курашишни БМТ превентив дипломатия усулларида фойдаланган ҳолда, шунингдек, МДХ, ШХТ, ЕХХТ ва бошқа нуфузли халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар механизмлари доирасида таъминлаш мумкин эканига, хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш, “яхлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарурлигига қаратмоқда.

Ўзбекистон экстремизм ва терроризм таҳдидлари ва зарарларини бошидан кечирган мамлакат ҳисобланади. Юртимизда ушбу иллатларга қарши курашиш, унинг сабабларини олдини олиш бўйича жаҳон ҳамжамиятига намуна бўла оладиган даражада ўзига хос тажриба шакллланган.

¹ Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси Тошкент шаҳри, 2017 йил 22 декабрь //Parlament.uz.

Дунёда глобал геосиёсий ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда экстремизмнинг Ўзбекистон Республикасига таъсир этиш муаммоси мамлакатда беқарорликни келтириб чиқарувчи асосий таҳдид сифатида қаралмоқда.

Шу нуқтаи назардан ва глобаллашув даврининг барча таҳдидларини инобатга олган ҳолда 2018 йилнинг 30 июль куни Президентимиз томонидан «**Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида**»ги қонун имзоланди. Ушбу қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 июнда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда маъқулланди.

Мазкур қонунни ишлаб чиқишда Молдова, Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва бошқа давлатларнинг қонунчилиги қиёсий ўрганилиб қарийиб бир йилдан ортиқ бир неча бор қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, ишлаб чиқилди².

Шу билан бирга мамлакатимизда жорий йилнинг 3 апрель куни ЎРҚ-469-сонли Қонун билан 2017 йил 9 июнда ШХТнинг Экстремизмга қарши кураш Конвенциясини Остонада қабул қилиш бўйича ратификация қилинди³.

Мазкур ишлар энг аввало, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга, конституциявий тузумни ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ҳамда конфессиялараро тотувликни сақлашга қаратилган.

Қонуннинг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, мазкур ҳужжатда “шахс” ва “фаолият” тушунчаларига алоҳида таъриф берилган. Аввалги ҳужжатда “экстремистик фаолият”, (“экстремизм”), “экстремист”, “экстремизмни молиялаштириш”, “экстремистик материал” тушунчаларига аниқ таърифлар берилмаган эди. Энди ушбу қонунда мазкур терминларга аниқ ва батафсил тушунчалар қайд этилди.

Шу билан бирга, қонунда экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари ва йўналишлари ва экстремизмга қарши курашишни мувофиқлаштирувчи ва амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатлари белгилаб берилди. Қайд этиш жоизки, мазкур қонунда экстремизмга қарши курашувчи субъектлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳам киритилган. Мазкур идоранинг экстремизмга қарши курашувчи субъектлар қаторига киритилишининг асосий сабаби ушбу орган бевосита диний ташкилотларни рўйхатга олиш, уларнинг фаолитини тўхтатиш ҳамда тақиқланган экстремистик фаолият ҳисобини юритиш билан шуғулланади.

Қонуннинг 9-моддасида экстремистик фаолиятни амалга оширишга йўл қўймаслик тўғрисида расмий огоҳлантириш қайд этилган бўлиб, унга кўра, экстремистик фаолият белгиларини ўз ичига олган, тайёрланаётган ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисида етарлича ва аввалдан тасдиқланган маълумотлар мавжуд бўлган ҳамда жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг мансабдор шахси экстремизмнинг юзага келишига йўл қўяётган мансабдор шахсларга ва жисмоний шахсларга бундай фаолиятга йўл қўймаслик тўғрисида ёзма шаклдарасмий огоҳлантириш чиқаради, огоҳлантиришда уни чиқаришнинг аниқ асослари кўрсатилади.

² Модельный закон "О противодействии экстремизму" <http://www.cisatc.org>

³ Ўзбекистон Республикаси “Экстремизмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунининг. –Т. 2018

Шунингдек, қоннунинг 14-моддасига мувофиқ ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш эндиликда суд тартибида амалга оширилиши белгиланган бўлиб, бунда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан ариза Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилди.

Мазкур ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарор мавжуд бўлса, ўша ташкилотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши белгиланди. Эндиликда мамлакатимиз фуқароларига турли экстремистик ташкилотларнинг тақиқланганлиги ҳақидаги маълумотларни очиқ ва ошкора билиш имкони яратилди.

Мазкур ишлар энг аввало, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга, конституциявий тузумни ва давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ҳамда конфессиялараро тотувликни сақлашга қаратилмоқда.

Қонуннинг 7-моддаси Экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар деб номланиб, мазкур моддада аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан мурасасизлик муносабатини шакллантириш, экстремистик фаолиятни амалга оширишга йўл қўймаслик тўғрисида расмий огоҳлантириш чиқариш, юридик шахс томонидан экстремистик фаолият амалга оширилишига йўл қўймаслик тўғрисида тақдимнома киритиш, экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этишни тақиқлаш, экстремизмни молиялаштиришни тақиқлаш, юридик шахснинг фаолиятини тўхтатиб туриш, ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш каби вазифалар белгиланган бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари ҳамда қабул қилинаётган Фармон ва Қарорлар экстремистик ғоялар таъсирига адашиб тушган шахсларни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва жамиятга мослашатириш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли, мазкур моддага “экстремистик ғоялар таъсирига адашиб тушган шахсларни реабилитация қилиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва жамиятга мослашатириш” каби қўшимча банд сифатида киритиш лозим.

Бундан ташқари, Қоннунинг 15-моддаси яъни Экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти киритилган бўлиб, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.02.2019 йилдаги ПҚ-4151-сонли Қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги интернет ресурслари тармоқларида тақиқланган ва (ёки) чекланган ахборотларнинг тарқатилишига йўл қўймасликни амалга ошириши вазифаси белгиланган. Шу муносабат билан мазкур моддада қарши курашувчи органлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигини киритиш зарур.

Шунингдек, “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида экстремизмга қарши кураш олиб боровчи давлат ташкилотлари белгиланган, бўсалада бу ташкилотларнинг ваколатлари аниқ белгилаб, тақсимлаб берилмагани натижасида айрим хизматларгина фақат мазкур йўналишда ўз фаолиятини амалги оширмоқда.

Ўрганишлар давомида хорижий давлатларда Экстремизмга қарши курашувчи ҳуқуқ тартибот органларида экстремизмда гумонланган шахсни қамоққа олиш, уни ушлаб туриш билан боғлиқ муаммолар мавжуд. Масалан АҚШ ва дунёнинг ривожланган бошқа давлатларида экстремизмда гумонланган шахсни тегишли ташкилотларнинг маълумотлари асосида муайян муддат қамоқда ушлаб туришади. Ушбу ҳолат давлат ва жамият хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, экстремизм фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига, жамият хавфсизлигига, давлат яхлитлигига ва республиканинг халқаро обрў-эътиборига раҳна солади, конституциявий тузум асосларига, миллатлараро ва конфессиялараро аҳилликка жиддий таҳдид солмоқда. Мингафсуски, бугунги кунда бундай дунё давлатлари қаторида ўзига хос нуфузига эга бўлаётган, виждон эркинлигига кенг имкониятлар яратилган мустақил юртимизни қўра олмайдиган кучлар ҳам мавжуд.

Шу сабабли экстремизм ва терроризмга қарши курашишда мустаҳкам ҳуқуқий асос, сифатли профилактик тадбирлар ҳамда барча давлат органларининг ҳамкорлиги орқали мазкур иллат ривожланишини олдини олади.

Ўз навбатида, Президент Ш.Мирзиёев раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган оқилона ички ва ташқи сиёсат ҳамда халқимизнинг кучли иродаси, меҳнатсеварлиги, бағрикенглиги ва маърифатпарварлиги туфайли мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб келинмоқда.

Шундай экан, юртимизда ҳукм сураётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, унинг мустақиллиги ва барқарорлигига муносиб ҳиссамизни қўшиш – ҳар биримизнинг, шу азиз Ватанда яшаётган турли миллат ва дин вакилларининг энг асосий вазифаларидан бўлмоғи лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш–юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,»Ўзбекистон»,2017.– 48.Б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72–сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. –Т., 2017. 20 сен.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 30.07.2018 йилдаги ЎРҚ-489-сон // [хтtps://lex.uz/uz/doss/3841957](https://lex.uz/uz/doss/3841957) муроджаат санаси 24.01.2024 йил
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони “«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини 2023 йилда сифатли ва ўз вақтида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сон [хтtps://lex.uz/doss/6600413](https://lex.uz/doss/6600413)

5. Абдуллаев А. Ижтимоий тармоқларнинг социал психологик таъсири // “Ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт”. – Т.: 2012. – Б. 283-284.
6. Экстремизм ва Терроризми билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси МГ ХТИ .Илмий амалий тавсиялар амалий қўлланма 1156 А.К.Закурлаев
7. Экстремизм ва терроризмга қарши кураш масалалари жамиятдаги тинчлик хотиржамликни таъминлашга гаровидир Received: 17th January 2023 Accepted: 27th January 2023 Online: 28th January 2023 <https://doi.org/10.5281/zenodo.7578709> 190-194 А.Закурлаев
8. Экстремизм ва Терроризми билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси Наманган вилояти мисолида Ўзбекистон Республикаси ЖХУ нашриёти. Амалий қўлланма Илмий амалий тавсиялар 2025 феврал 1156 А.К.Закурлаев
9. Экстремизм ва Терроризми билан боғлиқ жиноятларга қарши курашнинг ҳудудий методикаси Андижон вилояти мисолида Ўзбекистон Республикаси ЖХУ нашриёти. Амалий қўлланма Илмий амалий тавсиялар 2025 март 195 б А.К.Закурлаев
10. Терроризм ва экстремизмга қарши кураш: жаҳон тажрибалари ва маҳаллий ёндашув 4 бет Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-поцессуал маъмурий қонунчилигини замонавий талаблари билан уйғунлаштириш:30 йиллик амалий тажриба ва ривожланиш истиқболлари мавзусидаги халқаро онлайн илмий амалий конференция 2025 йил 4 апрел 193-196 А.К.Закурлаев